

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
18-aprel
SHANBA
№ 31 (13892)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Бир учрашув – 70+ иш ўринлари



▼ Раҳбар ва ёшлар

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигида битирувчи талабалар бандлигини таъминлашга бағишланган “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур тадбир нафақат оддий мулоқот, балки ёшларнинг келажагини белгилаш, уларни аниқ иш ўринлари билан таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

2

XOTIRA VA QADRLASH KUNINI MUNOSIB O'TKAZISH, HARBIIY TAYYORGARLIK VA HARBIIY XIZMATCHILARNI QO'LLAB-QUVVATLASH CHORALARI BELGILANDI

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qo'mondoni Shavkat Mirziyoyevga harbiy xizmatchilarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, rezerv va zaxiradagi ofitserlar tayyorlash tizimini takomillashtirish, shuningdek, 9-may – Xotira va qadrlash kuniga tayyorgarlik ko'rish yuzasidan axborot berildi.

Avvalo, armiyaning jangovar shayligi va tayyorgarligini rivojlantirish, shaxsiy tarkibga yangi tizim asosida ta'lim berish va kasbga tayyorlash bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar yuzasidan hisobot berildi.

Xususan, jangovar shaylik yo'nalishida qo'shinlarda majmuaviy strategik va qo'mondonlik shtab o'quvlari, yig'in, dala chiqishlari va o'quv kurslari tizimli ravishda o'tkazib kelinayotgani, bunda shaxsiy tarkibda axloqiy-ruhiy, real jangovar vaziyatlarda qo'rg'uv va emotsiyalarni boshqarish hamda dadil harakatlana olish kabi muhim jangovar sifatlarini shakllantirishga alohida e'tibor qaratilayotgani qayd etildi.

Zamonaviy jangovar harakatlar tahlilidan kelib chiqib, barcha o'quv, trening va mashg'ulotlarda jang olib borishning yangi usul va shakllari o'zlashtirilayotgani, bo'linmalarining mobililigini, jangovar imkoniyatlarini va qo'yilgan vazifalarni mustaqil bajarish qobiliyatini oshirishga qaratilgan tegishli chora-tadbirlar ko'rilayotgani yuzasidan axborot berildi.

Har yili mamlakatimizda 9-may – Xotira va qadrlash kuni umumxalq bayrami sifatida nishonlanishi yurtimizda tinchlikni asrash, mustaqillikni mustahkamlash, Vatani ozodligi yo'lida qurbon bo'lganlar xotirasini yod etish, bugun oramizda sog'omon yashayotgan urush va mehnat faxriylariga g'amxo'rlik ko'rsatishning yorqin amaliy ifodasidir.

Joriy yilda bayram munosabati bilan Ikkinchi jahon urushi qatnashchilari va nogironlarining har biriga 30 million so'm miqdorida bir martalik pul mukofotini to'lash taklif qilindi.

Shuningdek, bu kunda urush qatnashchilari, front orti mehnat faxriylari, keksalar va ustozlarga hurmat-ehtiram ko'rsatish, yolg'iz va kam ta'minlangan faxriylarning turar joylarini obodonlashtirish, turli xotira va qadrlash tadbirlarini tashkil etish rejalashtirilgan. Mustaqillik yillarida xizmat burchini bajarish chog'ida halok bo'lgan Vatani fidoyilarining xotirasi ham ulug'lanadi. Ularning oila a'zolariga moddiy va ma'naviy yordam ko'rsatiladi.

(Davomi 2-sahifada) ▶

УСТОЗЛАР ЎГИТИ ВА АХБОРОТ МУҲИТИ

▼ Мулоқот

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор сўнги йилларда янги bosqichga kўtarildi. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 февралда ёшлар билан ўтказган мулоқоти бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга туртки берди. Унда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларига ечим топиш ва имкониятлари доирасини кенгайтириш масалаларига alohida эътибор қаратилди. Жумладан, ҳар ҳафтанинг пайшанбасини “Ёшлар куни” сифатида белгилаш ташаббуси ёшлар билан тизимли ва самарали мулоқот ўрнатишда муҳим қадам бўлди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Тоққиз юрт халқ артисти Фаррух Зокировнинг “саксонинчи симфонияси”

ёки тўққиз юрт халқ артисти Фаррух Зокировнинг “саксонинчи симфонияси”

4

ЕР – РИЗҚ МАНБАИ

фақат меҳнатдан қочмаслик керак

▼ Томорқа – хазина

Юртимизда маҳалла институти янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини яққол кўрсатмоқда. Айниқса, “маҳалла еттилиги”нинг тизимли ва манзилли иш олиб бориши натижасида аҳоли тадбиркорликка кенг жалб этилмоқда. Бу жараён Қуйи Чирчиқ туманидаги “Мевазор” маҳалласида ҳам тизимли ташкил этилмоқда.

Маҳалладаги 574 та хонадонда 3 минг 129 нафар аҳоли истиқомат қилади. Асосий даромад манбаи деҳқончилик ва чорвачилиқдир. 118 та хонадондаги томорқада турли кўкатлар, айсберг карами, рукола ва помидор етиштирилади. Бир йилда 3 мартагача ҳосил олиниб, маҳсулотнонги маълум қисми экспортга йўналтирилмоқда. Раис билан хонадонларни айланар эканмиз, қизгин иш жараёнларига гувоҳ бўлдик.

2

Viloyat bo'ylab

Shaxmat bo'yicha “Davlat xavfsizlik xizmati kubogi”ning TOSHKENT viloyati bosqichi bo'lib o'tdi. Musobaqada imkoniyati cheklangan hamda nogironligi bo'lgan yoshlar dona surishdi. Tadbir doirasida “Rahbar va yoshlar uchrashuvi” tashkil etilib, viloyatdagi maxsus maktab-internat o'quvchilari tomonidan tayyorlangan mahsulotlar ko'rgazmasi namoyish etildi.

TOSHKENT va YANGIYO'L tumanlarida sport sohasidagi mavjud muammolarni bartaraf etish hamda tizimli islohotlarni jadallashtirish maqsadida tegishli soha rahbarlari hamda mutasaddilar ishtirokida tahliliy va tanqidiy ruhda yig'ilishlar o'tkazildi. Unda hududlarda sport yo'nalishida amalga oshirilgan ishlar sarhisob qilinib, mavjud kamchiliklar va o'z yechimini kutayotgan muammolar muhokama qilindi. Yakunda ikki tumanni ham sport sohasida namunali hududga aylantirish bo'yicha aniq strategik reja va vazifalar belgilandi.

OLMALIQ shahrida Mudofaa ishlari bo'limining zamonaviy talablar asosida to'liq ta'mirdan chiqarilgan yangi binosi foydalanishga topshirildi. Marosimda Toshkent harbiy okrugi qo'shinlari qo'mondoni, polkovnik Zokirjon Sayfutdinov qatnashdi. Tadbirda so'zga chiqqanlar sohada amalga oshirilayotgan islohotlar va harbiy xizmatchilar uchun yaratilayotgan qulayliklarni e'tirof etib, yangi majmua yurtimiz mudofaa salohiyatini mustahkamlashga xizmat qilishini ta'kidladilar.

QUYI CHIRCHIQ va OQQO'RG'ON tumanlarida ijtimoiy reyestrda kiritilgan ishsiz oilalarni qo'llab-quvvatlash maqsadida ularga 50 tadan o'rdak berilmoqda. Parrandalar o'rtacha 42 kunda yetilib, 2-2,2 kg.gacha go'sht beradi, tuxum mahsuldorligi ham yuqori. Mutaxassislarning ta'kidlashicha, mazkur turdan olinadigan daromad mahalliy o'rdaklarinikiga nisbatan 2 barobar yuqori bo'ladi.



Бир учрашув – 70+ иш ўринлари

Учрашувда вилоятнинг барча туман ва шаҳар ҳоким ўринбосарлари, турли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, банк-молия муассасалари масъуллари ҳамда университет раҳбарияти иштирок этди.

Самимий ва очик мулоқот руҳида кечган учрашувда вилоят ҳокими талабаларни битирув араси билан табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида зафарлар тилади. Шунингдек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқотда сўнги йилларда айнан шу йўналишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, ёшлар учун янги имкониятлар яратилаётгани, айниқса, бандлик ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш фақат бўш иш ўринларини тақдир қилиш билан чекланмапти. Балки уларни касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи банд қилиш механизмларини ривожлантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали мустақил фаолият юритишига қўллаш каби комплекс ёндашувлар жорий этилмоқда. Бу эса

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ёшларнинг иш топиши, ўз бизнесини йўлга қўйишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда мазкур университетда Тошкент вилоятдан 1 минг 412 нафар битирувчи таҳсил олаётгани, уларнинг 827 нафари аллақачон давлат ва хусусий секторда иш билан банд экани, 227 нафари ўзини ўзи банд қилгани, 50 нафари эса бола парвариши билан шуғулланаётгани қайд этилди. Ушбу рақамлар ёшлар бандлигини



таъминлаш борасида олиб бораётган ишлар самардорлигини кўрсатсада, ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина экани таъкидланди.

Мулоқот давомида талабалар ишга



жойлашиш, касб бўйича ривожланиш имкониятлари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, имтиёзли кредитлар олиш тартиби, янги иш ўринлари яратиш каби масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасаддиларга юзландилар. Ҳар бир мурожаат масъуллар томонидан эътибор билан тингланб, аниқ ва амалий жавоблар берилди.

Эътиборга молик жиҳати, айрим битирувчилар учрашувнинг ўзидаёқ тегишли ташкилот ва идора раҳбарларига бириктирилиб, уларни ишга жойлаштириш бўйича тезкор топшириқлар берилди. Бу эса "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви фақатгина фикр алмашиш майдони эмас, балки реал натижалар бераётган самарали тизим эканини кўрсатди.

Тадбир доирасида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ёшлар учун катта имконият яратди. Унда битирувчилар турли ташкилот ва корхоналар вакиллари билан бевосита мулоқот қилиб, ўз мутахассислиги ва қизиқишларига мос иш ўринлари ҳақида батафсил маълумот олишди. Бундай яримаркалар ёшларнинг меҳнат

бозорига мослашувини тезлаштириш, уларнинг ўз йўлини топишига қўллашда муҳим аҳамият касб этди.

Учрашув якунида ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиш юзасидан 70 нафар битирувчи талабага кафолатланган сертификатлар топширилди. Шу билан бирга, бу каби ташаббуслар ёшларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, уларни мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўладиган кадрлар сифатида шакллантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир якунида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университети ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган меморандум имзоланди. Мазкур ҳужжат таълим ва амалиёт уйғунлигини кучайтириш, битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, маляка кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўтқир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

Ана шу ташаббус доирасида Нурафшон шаҳрида ҳам мазмунли учрашув ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вази-фасини бажарувчи Шухрат Орипов соҳанинг ёш вакиллари – журналистлар, блогерлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари билан мулоқот қилди. Учрашувда Тошкент вилояти оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистлар билан ўртоқлашишди.

Мулоқотда кейинги йилларда мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, ҳудудий босма нашрларга қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ва соҳада ёш кадрларнинг фаол иштироки эътироф этилди. Бугунги кунда бир қатор нашрларда ёш муҳаррирларнинг самарали фаолият юритаётгани эса соҳада янги авлод шаклланаётганининг намунасидир.

– Яқин келажақда уюшмаимиз томонидан қатор янги лойиҳалар ва танловларни йўлга қўйишни режалаштирямиз, – деди Шухрат Орипов. – Бу ташаббуслар орқали ёш журналистларимиз ўз иқтидорини кенг намойён этиши, касбий маҳоратини ошириши ва медиа соҳасида ўз ўрнини топиши учун янада катта имкониятлар ярати-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

УСТОЗЛАР ЎГИТИ ВА АХБОРОТ МУҲИТИ



лади. Ишонанки, бундай лойиҳалар нафақат ёшларни рағбатлантиради, балки миллий журналистикамизнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига ҳам хизмат қилади.

Тадбирда ёшларнинг фикр ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг соҳани янада ривожлантиришига оид таклифлари илгари сурилди.

Хусусан, вилоятда маҳорат мактабларини қайта жонлантириш, журналистларнинг сара ва долзарб мақолаларини алоҳида тўпламлар кўринишида чоп этиш масалалари кўтарилди.

Шунингдек, уюшма аъзолиги сафи-га иқтидорли ёш журналистларни кенг-

роқ жалб қилиш, матбуот нашрларида обуна масаласи ҳамда таҳририятларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам таклифлар билдирилди.

Ёшлар нафақат журналистлар, балки газеталарда фаолият юритаётган дизайнер ва саҳифаловчилар учун ҳам махсус ўқув семинарлари ташкил этиш, уларнинг касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Бу каби таклифлар медиа соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг сифат ва самардорлигини янада оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

– Бундай очик мулоқотлар ёшлар билан ишлашда жуда муҳим, – дей-

ди "Ишонч" газетаси муҳбири Холида Эгамбердиева. – Чунки раҳбарлар билан бевосита суҳбат қилиш, ўз фикримизни эркин билдириш имконияти бизга катта ишонч бағишлайди. Энг муҳими, бугун бизни эшитишаётгани ва таклифларимизга жиддий қарашаётганини ҳис қилдик. Бу эса бизга катта мотивация беради. Айниқса, медиа соҳасида ёшларга яратилаётган имкониятлар, янги лойиҳа ва танловлар ҳақидаги маълумотлар мени руҳлантирди. Бу каби ташаббуслар орқали биз ўз устимизда янада ишлаб, жамиятда фаол бўлишга интиламиз.

Учрашувда соҳада кўп йиллик тажрибага эга устоз журналистларга эҳтиром кўрсатилди. Матбуотни ривожлантиришга самарали ҳисса қўшган бир гуруҳ уюшма аъзоларига табаррук ёшга тўлганлари муносибати билан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Бу ёшлар учун намуна бўлди.

Мухтасар айтганда, "Пайшанба – Ёшлар кўни" доирасида ўтказилаётган бундай учрашувлар ёшларни тинглаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва янги гояларни ҳаётга таъбиқ этиш учун муҳим платформага айланмоқда. Ёшлар эса бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйишига интиламиз.

Нозима АРСЛОНОВА
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

ЕР – РИЗҚ МАНБАИ

фақат меҳнатдан қочмаслик керак

Дастлабки манзилимиз Исатай ва Луиза Раимқулловлар хонадони бўлди. Ҳовлидаги 9 сотихли иссиқхонада ялпиз (мята) парваришланмоқда. Оила вакиллари бу билан чекланиб қолмасдан 7 гектар майдонни аукционда ютиб олиб, селдерей ва ўқроқ ҳам етиштиришмоқда. Махсулотнинг катта қисми Қозғистон ва Россия давлатларига таъминотчилар орқали экспорт қилинмоқда.

– Астойдил меҳнат қилсанг, ер сени қуруқ қўймайди, – дейди Исатай Раимқуллов. – Эртадан кечгача ҳаракатда бўламиз, ҳар бир кўчатга эътибор билан қараймиз. Шу орқали рўзгоримиз бут, фарзандларимиз кам-кўстиз ўсишмоқда.

– Бу хонадонга келин бўлиб тушганимда қўниқим қўйин бўлган, – дейди Луиза Раимқуллова. – Аста-секин ўрганиб кетдим. Ҳозир эса экин-тикин ишларини бажони-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

дил бажараман. Кун давомида ишлаб ҳам чарчамайман. Сабаби, жисмоний меҳнат ва экинлардан таралаётган ўзига хос хушбўй одамни соғлом қилади.

Шухрат Хусановнинг хонадониде эса янги гоя ва изланишлар гувоҳи бўлди. Хонадонда ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан олинган 30 миллион сўм кредит эвазига замонавий иссиқхона қурилиб, помидор етиштирилмоқда. Атрофига бодринг ҳам экилган. Иссиқхонадан ташқари яна бир гектар ер борлигини эшитиб, у жойда нима етиштираётганлари билан қизиқдик.

– Деҳқончиликдаги янги тажрибаларни ёқтираман, – дейди Шухрат Хусанов. – Ҳозирда руқола етиштиришга алоҳида эътибор қаратганман. Унинг инсон сало-



матлиги учун фойдаси катта, талаб ҳам шунга яраша. Қизиги, бу ўсимликнинг уруғи анча қиммат: 1 килограмми 1 ярим миллион сўм туради. Шунинг учун 1 гектар

ерда айнан уруғлик учун руқола етиштирямиз. Келгусида чорвачиликни ҳам йўлга қўйиш ниятим бор, шунингдек, гулчиликка ҳам қизиқаман. Уйимда гулларга ажра-

тилган алоҳида хона бор. Вақти билан бу йўналишда ҳам даромад топиш ниятидаман.

– Фуқароларимиз жуда меҳнаткаш, – дейди маҳалла ҳоким ёрдамчиси Мусо Нурматов. – Кўпчилик ўз хонадонда даромад топишга қизиқмақда. Биз эса уларга имконият яратишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, имтиёзли кредитлар орқали қўллаб-қувватлаш ўзини бошламоқда. Бу нафақат оила даромадини оширяпти, балки маҳалла иқтисодига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Дилноза Аёзхўжаева ёш бўлишига қарамадан ҳаракатчан чиқди. Келин бўлиб тушган хонадондаги бўш майдонга иссиқхона қуриш таклифи билан ҳоким ёрдамчисига чиқиб, 10 миллион сўм имтиёзли кредит олишга эришди. Қайнота ва қайнонаси бу ишда унга қўллаб-қувватлашди. Оилавий саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили куз-қиш мавсумида турли кўчатлар етиштириб, яхшигина даромад топишди. Айни пайтда март ойида экилган помидорлар учинчи гулига кирган. Хонадон эгалари 2 мингдан ортиқ кўчатнинг ҳар бирдан камида 3 килограмдан ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

Яна кредит олиб, ҳовли этагидаги ерни қўшиб, иссиқхонани кенгайтиришмоқчи.

– Илгари маҳалламизда асосан макка етиштирилди, – дейди маҳалла раиси Икром Тўйчиев. – Ҳозир имкониятлар кўп. Бунда онамнинг ҳам ҳиссалари бор. Онам ўқроқ, кашнич ва ўсма экардилар. Кейинчалик маҳалладошларга ҳам ўргатганлар. Эсимда, 90-йиллар эди, онам етиштирган кўчатларни "қўйлик" бозорига олиб бориб, топшириб келардим. Эндиликда маҳалламизда турли янги маҳсулотларни етиштиришни ўрганишмоқда. Бу эса аҳолининг тажрибаси ортаётгани ва яхши яшашга интилишидан далолат беради.

Аслида "Мевазор" маҳалласидаги бугунги ютуқлар – шунчаки тасодиф эмас. Бу – тизимли ислохотлар, маҳалла етилигининг самарали фаолияти ва энг муҳими, аҳолининг меҳнаткашлиги натижаси. Ҳар бир хонадонда ҳаракат, изланиш ва янгиликка интилиш бор. Бу, албатта, ўз мевасини беради.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ
олган суратлар

▼ Спорт

Футбол бўйича Америка қитъасида ўтадиган жаҳон чемпионати бошланишига ҳам икки ойдан кам вақт қолди. Вакилларимизнинг тарихда илк бор мундиаль йўланмасини қўлга киритгани боис мазкур нуфузли турнир биз учун ҳар қачонгидан-да аҳамиятлироқ саналади. Хўш, вакилларимиз мазкур мусобақага тайёрми?



ЎЗБЕКИСТОН МУНДИАЛГА ТАЙЁРМИ?

ОЛГА - ХАЛҚИНГ КУТАР ҒАЛАБА

Фойдали турнирлар

Терма жамоамиз жаҳон чемпионати пухта тайёргарлик кўриш мақсадида қатор кичик халқаро турнирларда иштирок этишди, кучли жамоалар билан ўртоқлик учрашувларида майдонга чиқшди. Уларнинг сўнггиси мамлакатимиз меъзонлик қилган "FIFA series" кичик турнири бўлди. Мусобақада вакилларимиздан ташқари Габон, Венесуэла ҳамда Тринидад ва Тобаго терма жамоалари иштирок этишди. Бу турнирнинг аҳамияти шунда эдики, рақиблар ўйин услуби жиҳатдан жаҳон чемпионатидаги гуруҳдошларимизга ўхшаб кетарди. Хусусан, Африка қитъаси вакили Габон Конго ДР билан 16 бор тўқнаш келиб, шундан бештасида зафар қўчган. Яна 6 та баҳс дуранг натижа билан тугаган. Қолган 5 баҳсда конголикларнинг қўли банд келган.

Венесуэла эса ўйин услуби жиҳатдан Жаҳон чемпионатидаги рақибимиз Колумбия билан жуда ўхшаш. Бу рақиб жаҳон чемпионати саралаш доирасида кимсан Бразилия, Аргентина каби тажрибали жамоалар билан дуранг натижа қайд этгани уларнинг қандай

кучга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бевосита мазкур турнирга тўхталадиган бўлсак, ҳамюртларимиз илк турда Габонни 3:1 ҳисобида, ҳал қилувчи баҳсда эса Венесуэлани пенальтилар сериясида мағлуб этиб, чемпионликка эришди. Турнирнинг энг яхши футболчиси деб эса ёш қаҳрамонимиз Абдуқодир Хусанов топилди.

Мазкур мусобақа Ўзбекистон терма жамоаси тактик томонлама анча шаклланишига кўрсатиб берди. Бу шаклланиш тезда бўлгани йўқ. Бунга қадар вакилларимиз "SAFA nation cup" ҳамда БААда ташкил этилган халқаро турнирларда ҳам иштирок этиб, у ерда ҳам кучли жамоаларга қарши баҳс олиб борди. Хусусан, дастлаб "CAFA nation cup" турнирида мағлубиятсиз юриш қилиб, ҳал қилувчи баҳсда Эрон устидан ғалабага эришиб, мундиаль йўланмасидан кейинги илк совринга эришди.

Ундан сўнг, амирликларда ўтказилган халқаро турнирда дастлаб, Африканинг энг кучли жамоаси, сўнгги жаҳон чемпионатларида мунтазам қатнашиб келаётган Муҳаммад Салаҳ бошчилигидаги Миср терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ҳал қилувчи баҳсда

эса эски "таниш" – Эронга қарши майдонга чиқиб, яна уларни мағлубиятга учратишди. Бундан 5 йил илгари Эронни мағлуб этиш тугул улар билан дуранг ҳам биз учун ажайиб натижа эди. Ҳазор ўйинларга қарайдиган бўлсак, вакилларимиз форслар билан 18 бор тўқнаш келишиб, шундан учтасида зафар қўчган, беш баҳс эса дуранг натижа билан тугаган. Қолган 10 та учрашувнинг барчасида эронликларнинг қўли банд келган. Бироқ, ана шу уч ғалабанинг иккитаси 2025 йилда қўлга киритилди. Беш дурангнинг тўрттаси ҳам жаҳон чемпионати саралашининг иккинчи ва учинчи босқичларида қайд этилди. Охириги йилларда футболимизда сезиларли ўсиш бўлганини мазкур натижалардан ҳам билса бўлади.

КАННАВАРО "ЭФФЕКТИ"

Терма жамоамиз бош мураббийлигида италиялик соёқ футболчи Фабио Каннаваро тайинланган, футбол оммаси томонидан турлича фикрлар янгради. Кимлардир Каннаваро мураббийликда тайинли натижа қайд этолмаганини таъкидлаб, танлов хато бўлганини бонг урса, яна кимлардир уни тактик томонлама кучли мураббий деб қўққа кўтарди.

Фабио эса бу гап-сўзларнинг ҳеч бирига парво қилмай, бор эътиборини терма жамоага номзод футболчиларнинг қандай спорт формасида эканлигига қаратди.

Аслида, италиялик "Олтин тўп" соҳиби бу лавозимга ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Унга қадар германиялик машҳур мураббий, Германия терма жамоаси билан жаҳон чемпиони бўлган Йоахим Лёв номзоди илгари сурилган. Бироқ, айрим сабабларга кўра бу танлов амалга ошмай қолди. Жаҳон чемпионати стартга 9 ойдан камроқ вақт қолганида ассоциация Фабио Каннаваро танловга тўхтади. Унинг олдида анча қийин вазифа – терма жамоага ўз қарашларини синдириб, мундиаль пухта тайёрлаш "миссия"си қўйилган. Бизга азалий орзу бўлган жаҳон чемпионати йўланмасини тақдим этган бош мураббий Среңко Катанецдан кейин Фабионинг ўз тактик қарашларини синдириши осон бўлмаслиги аниқ эди. Бироқ, у буни удалади. Каннаваро ишни маҳаллий лигаларда тўп тепадиган футболчиларни қузатишдан бошлади. У чемпионат доирасидаги учрашувларнинг аксариятини майдоннинг ўзидан томоша қилиб, кимлар бош жамоага лойик, кимлар лойик эмаслигини билиб олди.

Бундан ташқари, у терма жамоада ҳеч кимнинг жойи кафолатланмаганини амалда кўрсатиб келмоқда. Кези келганда энг ёрқин

ХУЛОСА

Ўзбекистон терма жамоасининг охириги учрашувлари футболчиларнинг тўрт йилликнинг нуфузли мусобақасига даярлиги тайёрлигини кўрсатмоқда. Ўртоқлик учрашувларида танланган рақиблар савия жиҳатдан жаҳон чемпионатидаги рақибларимиздан кам эмас эди. Мазкур баҳсларда фақат биргина оғрикли нуқта кўзга ташланди: дарвоза чизиги. Асосий посбонимиз Ўткир Юсуповнинг жароҳатдан кейинги фаолиятида пасайиш кузатишмоқда. Иккинчи дарвозабон Абдувоҳид Неъматовнинг эса муҳим лалларда хатога қўйишига кўп бор ғувоҳ бўлганмиз. Қолган икки мураббийлар штаби ой давомида ана шу чизикни мустаҳкамлаши, лозим бўлса бошқа номзодлар қидириши даркор. Зеро, мундиальда рақиб-

ларда Роналду, Луис Диас, Бруно Фернандеш сингари жаҳон даражасидаги тўпурарлар йиғилган. Улар кичик хатоларни ҳам кечирмайди. Ана шу камчилик тўғрисида, терма жамоамиз ҳар қандай рақибга етарли бош оғрик бўла олади.

Мундиаль таёргарлиги яқиний баҳо эса июнь ойи бошида Америка қитъасида ташкил этиладиган сўнгги йигин ва Канадага қарши ўртоқлик учрашувидан кейин маълум бўлади. Умид қиламизки, тарихдаги илк жаҳон чемпионатида вакилларимиз ёрқин ўйинлари билан ўзбекининг кучини бутун дунёга кўрсатиб қўйишади.

Сухробон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

▼ Амалий семинар НИШОНДА ЭКИНХЎР "ТЕКИНХЎРЛАР"

Қибрай туманида ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вилоят бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида зарарли чигирткаларга қарши кураш тадбирларини самарали ташкил этишга бағишланган амалий дала семинари ўтказилди.



Унда соҳа мутахассислари зараркундаларга қарши ўз вақтида ва самарали кимёвий ишлов беришнинг аҳамияти, муржаатларни тезкор бартараф этиш механизмлари, шунингдек, юқори самарадорликка эга замонавий препаратлардан фойдаланиш бўйича республика миқёсида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

Шу билан бирга, иштирокчиларга дала шароитида зарарли чигирткалар тарқалган ҳудудлар аниқланган тақдирда тезкор бажариладиган чора-тадбирлар юзасидан амалий тушунчалар берилди. Таъкидланишича, жорий йилда вилоятимиз бўйича 27 минг гектардан ортиқ майдонда зарарли чигирткалар тарқалиши прогноз қилинган бўлса, амалда эса 26 минг 485

гектар майдонда мавжудлиги аниқланган.

Чигирткаларга қарши кураш тадбирлари апрель ойининг илк кунларидан бошлаб тизимли равишда олиб борилмоқда. Мониторинглар натижасида Бўстонлик, Қибрай, Пискент, Бўка, Бекобод туманлари ҳамда қўшни Қозғистон билан чегарадош ҳудудларда эрта баҳорда чигирткалар кўпайиш хавфи юқори бўлган майдонлар мавжудлиги аниқланди. Айни пайтда Бўстонлик ва Қибрай туманларининг адирлик худудларида кимёвий ишловлар амалга оширилмоқда.

– Асосий мақсадимиз – вилоят табиатида зарар этишининг олдини олиш ва қишлоқ ҳўжалиги экинларини муҳофаза қилиш, – дейди агентликнинг чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизмати раҳбари Алибек

Бағишбеков. – Барча тадбирлар доимий мониторинг асосида олиб борилмоқда. Бугунги амалий семинарда жойларда бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг аҳамияти янада очиқ тушунтириб берилди. Бундай чора-тадбирлар ўз самарасини, албатта, беради. Таъкидланганидек, мавсумий ишларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус отрядлар шакллантирилиб, замонавий техникалар билан таъминланган. Жумладан, махсус автомашиналар, тракторларга ўрнатилган ОВХ ва ВП-1, шунингдек, моторли қўл пулгаклардан фойдаланилмоқда. Тегишли ишчи-ҳодимлар ҳам жараёнга фаол жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари томонидан зарарли ҳашаротлар ўчоқларини аниқлаш бўйича доимий кузатув-назорат ишлари олиб борилмоқда. Мазкур худудларда деҳқонлар ва чорвадорлар ўртасида тарғибот ишлари кўчатирилиб, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аҳамияти кенг тушунтирилмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири
Муаллиф олган суратлар

▼ Шанба фельетони

I боб: КИРИШ

Ўқувчилик давримизда муаллимларимиз иншо ёзишни қандай ўргатишгани ёдингиздами? Энг аввало мавзуга оид катта сарлавҳа қўйиб, кейин уни уч бобга бўлар эдик: кириш, асосий қисм ва охирида хулоса. Эркин мавзуда бўладими, бирор асар ёки унинг қаҳрамонлари ҳақидами, хуллас, дафтарнинг уч-тўрт варағини қандай қилиб тўлдириб беришимизга қараб устоздан баҳо олардик.

Шундай қилиб бугун "Кактус", яъни "тикангул"ларга бағишланган мақоламизни ана шундай тарзда ёзишга қарор қилдик. Худди ўша мактаб давримиздаги каби...

II боб: АСОСИЙ ҚИСМ

У болалигида она тили ва адабиёт фанини яхши кўрарди. Китобларни кўп ўқигани учунми "кириш, асосий қисм ва хулоса"лардаям қийналмасди. Аммо бир кун муаллим дарсни сал бошқачароқ ўтди...

– Болалар, яқинда бошқа мактабдаги тенгурларнинг билан адабиётдан беллашув бўлади, – деди у. – Унутманг, рақиб команданинг саволлари орасида бирорта расм ёки фотосуратга қараб ҳикоя тузиш каби шартлар ҳам бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бугун сизлар билан шу мавзуга тайёрланамиз...

Ўқитувчи доскага учта тасвир қўйди. Бири тоғ бағридаги сўлим қишлоқнинг расми эди. Иккинчиси институт талабалари сурати. Кейингиси сал ғалатиноқ фото экан: раҳбарлар ўтирадиган юмшоқ курси, устида эса тувакда ўстирилган кактус...

"КАКТУС"



У ўшанда биринчи-иккинчи расмлар ҳақида жуда теран фикрлар айтиб, аъло баҳо олди. Аммо охириги сурат ҳақида бирор бир жўяли гап айта олмади...

Орадан йиллар ўтди. У ҳам болалигидан ҳавас қилгани – устозлари касбини танлади. Талабалик йиллари олий маълумотли педагог деган дипломини олиб, тезроқ кадрдон мактабига қайтишни бир пайтлар ҳайратга солган муаллимлари каби болакайлар меҳрини қозонишни орзу қиларди. Не ажабки, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан...

Яқинда Юқори Чирчиқ туманининг "Дўстлик" маҳалласида ашовчи фуқаро Гулмира Мустафоевадан ариза олди. "2025 йилнинг августида туманимиздаги 20-сон умумий ўрта таълим мактаби директори Дилдора Ортиқованинг қабулига ташки ёки ички ўриндошлик асосида қонунда белгиланган тартибда мутахассислигим бўйича вақтинча ёки доимий муддатга дарс соатлари сўраб борган эдим, – деб ёзди у. – Бошлангич синф раҳбарлиги вазифасини сўраганимда бўш иш ўрни йўқлигини айтди. Кейин билсам, ишга қабул қилинмаганлигим сабаби бошқа экан...

Мен ортиқча дарс соатлари бор-йўқлигини билиш, қонуний ёки ноқонуний дарс тақсимот қилинганми-йўқми, шуларга аниқлик киритиш мақсадида адвокат

ёллаб, сўровнома орқали "Дарс тақсими тўғрисида"ги буйруқ хулосасини олдим. 20-сонли мактаб томонидан киритилган "Дарс тақсими тўғрисида"ди буйруқ лойиҳаси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талабларига зид равишда ноқонуний тақсимот қилинганлиги аниқланди..."

III боб. ХУЛОСА

Мақоламиз қаҳрамони бошидан ўтказган воқеаларни ёзар экан, ўқувчилик пайтидаги воқеани эслади. Ушанда адабиёт фани ўқитувчиси юмшоқ курси билан кактуснинг расмини кўрсатганида "Болам, эҳтиёт бўл, ҳаётда гултиканлар ҳам кўп" дея оғоҳликка чақирган бўлса, ажаб эмас.

Айтишларича, айрим мактабларда антика бозор бор экан. Уни оддий одамлар билишмайди. Чунки у ерда картошка, сабзи, пивё ёки мева-чевалар эмас, балки... дарс соатлари пуллар экан... Бу бозорнинг энг катта "сотувчиси" мактаб директори. Тарозиси – лавозим, нархи – "фонд", харидори – иш излаб юрган дипломли мутахассислар.

Энг аламлиси, бу бозорда энг қиммат нарса сотилади. У – болаларнинг келажиги...

Тўхтамурод ҲАСАНБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA
Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek MELTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:
Suhrobjon SADIROV
Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA
Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Bosishga topshirish vaqti - 20:00.

Bosishga topshirildi - 20:00.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-435.

8 378 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taqob. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»
tahririyati kompyuter markazida
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev
tomonidan sahifalandi.

Haftaning
chorshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxonalar manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Эътироф

Боқий санъат академияси

ёки тўққиз юрт халқ артисти
Фаррух Зокировнинг
“саксонинчи симфонияси”

Бугунги Янги Ўзбекистон тараққиётида нафақат иқтисодий ва илмий ютуқлар, балки маданият ва санъат соҳасидаги юксалишлар ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар инсон маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларни асраш ва уларни жаҳонга тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Ана шундай жараёнда ўз умрини санъатга бағишлаган, миллий маданиятимизнинг тирик рамзига айланган санъат вакиллари, айниқса, Зокировлар каби ижодкор сулолалар алоҳида эътиборга лойиқдир.



санъат ва маданият таълим муассасаларига қабул бўйича алоҳида имкониятлар яратилади. Ҳар йили республика ҳудудларидан иқтидорли ўқувчилар маъруза мактабда ўз маҳоратини ошириб боради. Улар бюджет ҳисобидан устозлари билан бирга нуфузли халқаро кўрик-танловларга юборилади ва муносиб рағбатлантирилади.

Тантанали маросимда Юртбошимиз Фаррух Зокировга “Буёқ хизматлари учун” орденини топширди.

Фаррух Зокиров сўзга чиқиб, Президентимизга ва санъатсевар халқимизга эъзоз ва эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Зокировлар сулоласи бардавом ижодий қадриятлар бешиги, ўзбек санъатининг ўлмас ва боқий мактабига айланди. Бу сулоланинг санъат ва маданиятимиз ҳазинасига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси, фидокорона меҳнати ва юксак ижодий салоҳияти келажак авлодлар учун маънавий тарбия ва туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Зикрилла МУҲАММАД,
“Ташкент ҳақиқати” муҳбири



Бутун умрини санъатга, ижодга бахш этган Зокировлар сулоласи ҳақида ўйласам, кўз ўнгимда “боқий санъат академияси” жонлангандек бўлади. Бу сулола қарийб 70 йилдан буён миллий қўшиқчилик ва эстрада, театр ва кино ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Бу йўл Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокировдан бошланган. Миллий эстрадамиз асосчиси Ботир Зокиров ижоди маънавий бойлигимиз. Фаррух Зокиров ана шу сулола аъёналарига содиқ қолган ҳолда, миллий эстрадамизни янги боқичига олиб чиқди. У нафақат бизнинг севимли ҳофизимиз, балки МДХ давлатлари ва туркий, шарқ халқларининг севимли санъаткоридир – Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Татаристон, Бошқирдистон, Ингушетия халқ артисти.

Машҳур “Ялла” гуруҳи 55 йилдири,

миллионлаб мухлисларнинг севимлиси. Бу гуруҳ миллий фольклорни замонавий эстрада билан уйғунлаштириб, миллий оҳангларимизни “бренд” даражасида машҳур қилгани фахрлидир.

“Ялла”нинг Фаррух Зокиров ижросидаги қўшиқларини тинглаган киши беихтиёр ўзбек маданияти билан таниша бошлайди. “Ялла”ни шунчаки муסיқий гуруҳ деб бўлмайти, балки “маданий элчи” десак тўғридир. Тадбирларда Фаррух Зокиров ҳоним айлаганда, муҳит ўзгаради. Дилларга шўхлик, хурсандлик ина бошлайди.

Умрини санъатга бағишлаган Фаррух Зокиров шу кунларда 80-баҳорини қаршилади.

Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида миллий эстрада санъатининг ёрқин намоёниси, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг 80 йиллик таваллуд айёми муносабати билан тантана-

ли тадбир бўлиб ўтгани эса санъаткор ижодига кўрсатилган юксак эҳтиромдир.

Тантанада Фаррух Зокировнинг кўп йиллик самарали меҳнати, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш йўлидаги фидокорона хизматларини муносиб тақдирлаш мақсадида Президент томонидан алоҳида фармон ва қарор имзолангани эълон қилинди. Хусусан, Яшнобод туманидаги 7-сонли Болалар муסיқа ва санъат мактабига Фаррух Зокиров номи берилди.

Бу дароҳда “Ялла” номидаги болалар ансамбли, ёшлар ижодий лабораторияси, замонавий овоз ва видео эшиш студияси ташкил этилади. “Устоз-шоғирд” аъёналари асосида эстрада йўналиши бўйича ижрочилик маҳорати синфлари йўлга қўйилади, тажрибали ижодкорларнинг ойлигига қўшимча устама тўланади. Мактабда аъло баҳоларга ўқийётган ўқувчилар учун ихтисослашган

▼ Дарвоқе

Ким кимни бошқаради?

1. Муаллифи яхши ёза билган китобларни ўқиб борар экансиз, яхши гапиришни ҳам одат қилиб оласиз.
2. Кишининг маданий савияси – ўқиб чиқилган китоблар сони билан эмас,

ўрганилган билим билан ўлчанади.

3. Китоб ўқишни одат қилган шахслар телевизор экранидан нари кетмайдиган кишиларни бошқара олишади.
4. Китоб кинодан аф-

залдир. Негаки, киши тасаввурининг кўлами фильмдаги кучли таассуротга эга кадрлар сони каби чекланмайди.

5. Қанча кўп китоб ўқисангиз, бировларга шунча кам тақлид қиласиз.

▼ Ички туризм



СЎҶОҚҚА АПРЕЛЬ КЕЛАНДА...

Ўлкамизга бор
гўзаллиги билан
кириб келган баҳор фасли-
нинг ҳам тенг ярми ортада қолди.
Кунлар кунларни шу қадар
шидат билан қувалаб ўтмоқда-
ки, назар ташлашга, ҳисоб
қилишга улгурмайсиз. Шунинг
айтсалар керак-да, вақт
юғурик, деб.

Баҳор фаслида дам олиш масканлари одамлар билан янада гажум бўлади. Бугун ички туризмни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасида юртимизнинг ҳар бир гўшаси, жумладан, Паркент тумани ҳақиқий дам олиш ва саломатлик марказига айланиб бормоқда.

Якшанба кунини шаҳар шовқинидан биров бўлса-да ҳоли бўлиш мақсадида опа-сингиллар, жигарлар билан Паркент адириқлари томон йўл олди. Манзил томон кетяпмиз, йўлнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган тандирлардан узилаётган сомсаларга навбат катталиги бизни ҳайратта солди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Туризм – бу нафақат даромад манбаи, балки халқимизнинг маданияти, меҳмондўстлигини дунёга кўрсатадиган энг катта имкониятидир”. Шу билан бирга туризм нафақат саёҳат, балки миллий қадриятларимиз ва иқтисодий юксалишимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда.

Шу кунини Сўқоқ қишлоғидаги “Саёҳат” сихатгоҳида кўним топдик. Ҳақиқатан жуда гўзал маскан. Юқоридан бутун манзара кафтедек кўриниб турибди. Эсаётган шабада киши дилини равшан қилиб, танага хузур бахш этади. Узоқ-узоқларда ток новдаларига меҳр бераётган паркентликларни кўриб, бу ерда яқин орада янада гўзал манзаралар – ҳосилдор тоқзорлар пайдо бўлишини ҳис қиласиз.

Масканда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Бир томонда ширин суҳбат қураётган яқинлар, дўстлар, иккинчи тарафда бутун борлиқни ўзига қаратиб шовқин кўтариб югурган болажонлар, қўлдаги турли шаклдаги варрақларга ҳавас билан боқаётган кекса отахон ва онахонлар. Шунингдек, ўзбегимнинг киши та-

насига қувват бўлувчи баҳорий миллий таомлари дам олувчиларга мунтазир. Келувчиларнинг аксариятида мадор, кўк сомса тановул қилишга иштиёқи баландлигини тандир атрофидаги гажумликдан пайқаш қийин эмас.

– Бу ерда анча йилдан бери фаолият юртаман, – дейди сомсапаз Шерзод Холматов. – Ҳар йили баҳор келиши билан дам олувчилар сони ортади. Асосан, шанба ва якшанба кунлари харидор кўп бўлади. Иккита тандирда пешма-пеш тўрт юздан зиёд сомса ёпамиз. Ўзлари билан олиб кетувчилар кўпайган пайтда эса қўлимиз-қўлимизга тегмай қолади...

Хабарингиз бор, Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари, хусусан, Паркент тумани “Туризм халқаси”га айлантирилмоқда. Зеро, “Инсон қадрини учун” деган эзгу гоя негизда халқимизнинг сифатли ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаш ётади. Хусусан, “Саёҳат” санаторийсидаги замонавий муолажалар юртдошларимизнинг узоқ ва мазмунли умр кўришларига хизмат қилмоқда.

Ҳудуднинг гўзал манзараси, одамлар чеҳрасидаги шодонлик ва кўтаринки кайфият – бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг ифодасидир.

Биз ҳам саёҳатдан бир олам таассуротлар олиб, ортага қайтар эканмиз, шундай дориламон кунларнинг қадрига етиш ва шукроналик ҳисси билан яшаш кераклигини яна бир бор англадик.
Асрор СУЛАЙМОНОВ

Болага китоб беринг



▼ Китобхонлик ҳафталиги

Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб қилиш, дунёқарашини бойитиш мақсадида турли маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Тошкент тумани Аxbорот-кутубхона марказида “Китобсевар миллатимиз” шиори остида “Китобхонлик ҳафталиги” ўтказилди.

Тадбир доирасида кутубхона фондидаги янги бадий ва илмий-оммабоп адабиётлар кўргазмаси намоиш этилди. Ёшлар иштирокида

ўтказилган адабий кечалар, интеллектуал савол-жавоблар ва ижодий учрашувлар китобхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталик якунида фаол китобхонларга эсдалик совғалари топширилди.

Нилуфар АЮПОВА,
Тошкент тумани
Аxbорот-кутубхона
маркази мутахассиси